

Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифига доир



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 2015 йил 7-8 октябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Олий даражадаги учрашувлар чоғида Ўзбекистон ва Туркменистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт ва коммуникациялар, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истикболларини муҳокама қилиш, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Ташриф якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, иқтисодиёт, транспорт, божхона, туризм, фан-техника, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги ўзаро манфаатли алоқаларни изчил ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

[ЎЗА](#)